




**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**1 (63) 2024**

**Сопредседатели редакционной  
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**1 (63)**

**2024**

*январь*

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.12.2023, Accepted: 10.01.2024, Published: 20.01.2024

УДК 616.314.2;616.31-0;611.611; 616.379

## ИККИНЧИ ТУР ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШХИСОТИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИНГ ЎЗГАРИШИНИ КЛИНИК БАҲОЛАШ

Нусратов Умид Ғолибович <https://orcid.org/0009-0002-3854-7063>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

Ҳозирги кунда дунё аҳолиси тиббий-ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга сурункали ноинфекцион касалликларнинг глобал муаммосига дуч келди. Мутахассисларни таъкидлашча буйракнинг сурункали касалликларига эга 2-типтаги қандли диабет билан касалланган беморлар оғиз бўшлиғида касалликлар ривожланиш хавфи бўлган гуруҳга кириши белгиланган. Стоматологик саломатликнинг паст даражаси нефрологик беморларда асоратлар пайдо бўлишига олиб келади. Бугунги кунда қандли диабетли касалларни даволаш самарадорлиги ва прогнозини яхшилаш, шу билан бирга уларда буйраклар функцияси бузилишини олдини олиш учун мазкур беморларда хавф омиллари – одонтоген инфекция ўчоқларини бартараф қилиш зарур. Шунинг учун 2-типтаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталигига эга беморлар учун стоматологик реабилитация катта аҳамиятга эга бўлади.

**Калит сўзлар:** иккинчи тур қандли диабет, пародонт касалликлари, ҳаёт сифати.

## КЛИНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ДИАГНОСТИКИ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПАРОДОНТА И ИЗМЕНЕНИЙ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ У ПАЦИЕНТОВ С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ ВТОРОГО ТИПА

Нусратов Умид Ғолибович <https://orcid.org/0009-0002-3854-7063>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

В настоящее время население планеты сталкивается с глобальной проблемой хронических неинфекционных заболеваний, имеющих медико-социальное и экономическое значение. Эксперты отмечают, что пациенты с сахарным диабетом 2 типа с хроническими заболеваниями почек отнесены к группе риска развития заболеваний полости рта. Низкий уровень здоровья зубов приводит к осложнениям у нефрологических пациентов. Сегодня необходимо повысить эффективность и прогноз лечения больных сахарным диабетом, одновременно устраняя очаги факторов риска – одонтогенной инфекции - у этих пациентов, чтобы предотвратить нарушение функции почек у них. Поэтому стоматологическая реабилитация будет иметь большое значение для пациентов с хроническим заболеванием почек и сахарным диабетом 2 типа.

**Ключевые слова:** сахарный диабет второго типа, заболевания пародонта, качество жизни.

## CLINICAL ASSESSMENT OF THE DIAGNOSIS OF PERIODONTAL DISEASES AND CHANGES IN THE QUALITY OF LIFE IN PATIENTS WITH TYPE 2 DIABETES MELLITUS

Nusratov U. G. <https://orcid.org/0009-0002-3854-7063>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

## ✓ Resume

*Currently, the world's population is facing a global problem of chronic non-communicable diseases of medical, social and economic importance. Experts note that patients with type 2 diabetes mellitus with chronic kidney disease are classified as at risk of developing oral diseases." Low dental health leads to complications in nephrological patients. Today, it is necessary to improve the effectiveness and prognosis of treatment of patients with diabetes mellitus, while eliminating foci of risk factors – odontogenic infection - in these patients in order to prevent impaired renal function in them. Therefore, dental rehabilitation will be of great importance for patients with chronic kidney disease and type 2 diabetes mellitus.*

*Key words: type 2 diabetes mellitus, periodontal disease, quality of life.*

## Долзарблиги

Бутун дунёда 2-типдаги қандли диабет (ҚД) ва сурункали буйрак касалликларининг (СБК) тарқалганлиги ўсиб бормоқда, бу мазкур тоифа беморлар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг ортишига олиб келган. СБК тор ихтисосликдаги, “нефрологик” муаммо эмас, у нафақат эндокринологлар, нефрологлар, балки бошқа тиббиёт мутахассислари, шу жумладан стоматологларнинг ҳаракатларини ҳам талаб қилувчи бутун тиббиётнинг муаммоси эканлигини таъкидлаш лозим. СБК асоратларидан ҳар йили РФ да яшовчи ўн минглаб бемор вафот этиши, бу нуқсонлар сабабли меҳнатга лаёқатли ёшдаги 41,5 минг киши ногирон бўлиши аниқланган.

Мамлакатимизда мос келувчи диспансерларда рўйхатга олинган ҚД га эга беморлар сони 245 мингдан ортиқ кишини ташкил қилади, улардан 185 336 киши 2-типдаги ҚД дан азият чекади. Тадқиқотлар билан, уларнинг ярми буйраклар функциясининг бузилиши билан кечадиган ёндош касалликлардан азият чекиши кузатилган. 2-типдаги ҚД нинг 40% гача ҳолатда диабетик нефропатия ривожланади, бу буйрак танқислигининг терминал босқичига олиб келади.

Ўтказилган тадқиқотлар билан, ҳозирги кунда 2-типдаги ҚД нинг СБК билан асоратланган беморларни даволаш нафақат замонавий эндокринологиянинг, балки стоматологиянинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланиши исботланган. 2-типдаги ҚД нинг СБК билан асоратланишидан азият чекувчи беморларнинг оғиз бўшлиғида атрофик жараёнлар ва патологик ҳолатлар ривожланиши уларнинг оғиз бўшлиғида ўтказиладиган ортопедик амалиётларга мослашувини қийинлаштиради. Мазкур факт нафақат стоматологик саломатликнинг йўқолишини акс эттиради, балки беморнинг ҳаёт сифатига таъсир қилади [1.3.5.7.9].

**Тадқиқотнинг мақсади.** иккинчи тур қандли диабет билан касалланган беморларда пародонт касалликларини ташҳисоти ва ҳаёт сифатининг ўзгаришини клиник баҳолашни такомиллаштириш.

## Материал ва усуллар

**Тадқиқотнинг объекти.** Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология маркази ҳамда Тошкент давлат стоматология институти базасида 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган 102 нафар беморлар, шунингдек ҚД ва СБК ташҳиси қўйилмаган 30 нафар соғлом шахслар киритилган (назорат гуруҳи).

**Тадқиқотнинг предмети.** Стоматоскопия, анкеталаш, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг лазер доплер флоуметрия таҳлили натижалари, денситометрия кўрсаткичлари, оғиз бўшлиғида микробиоценоз ҳамда махсус бўлмаган резистентлик параметрлари.

## Натижа ва таҳлиллар

2- турдаги қандли диабет касалликларида тиш-жағ тизимида энг кўп учрайдиган патологияларга тиш қаторларининг нуқсонлари ва пародонт касалликлари киради, улар нафақат ҳаёт сифати ёмонлашиши ва беморларнинг меҳнатга лаёқатлилигининг пасайиш сабаби, балки қатор соматик касалликлар ва уларнинг салбий кечувининг сабаби ҳисобланади.

Ҳам тиш қаторларининг нуқсонлари, ҳам пародонт касалликлари қийин даволанади, тиш-жағ тизимининг функционал имкониятларини сезиларли пасайишига олиб келади, уларга узок муддатли реабилитация даври хос. Афсуски, амалиётда ушбу касалликларнинг изоляцияланган кечуви етарлича кам учрайди, одатда, улар ёндош касалликлар билан, бир-бирини оғирлаштириб кечади.

Оғиз бўшлиғининг ушбу касалликларини даволашга кўплаб ёндашувлар мавжуд, лекин натижалари ҳам шифокорни, ҳам беморни қониқтирувчи энг мақсадга мувофиқ даволаш тактикаси тўғрисида ягона фикр йўқ. Кўпинча даволанишнинг муваффақиятини олдиндан

аниқлаш қийин бўлади ва бунда стоматологга сўнги вақтларда тиббиётда кенг тарқалган ҳаёт сифатини аниқлаш ёрдам бериши мумкин.

Ҳаёт сифати – беморнинг субъектив қабул қилишига асосланган, унинг жисмоний, руҳий хиссий ва ижтимоий фаолиятининг интеграл характеристикаси. Ҳозиргача беморнинг ҳаёт сифати параметрлари мустақил прогноз аҳамиятига эга эканлиги ва умумий соматик статусга қараганда, даволаш вақтида бемор ҳолатининг энг аниқ омиллари ҳисобланиши исботланган.

Ушбу ишда буйрак касалликлари мавжудлигига боғлиқ равишда 2-турдаги ҚД га эга беморларда ёндош касалликларида тиш қаторларининг нуқсонларини олиб қўйиладиган пластиналар тиш протезлари билан қоплаш усулини ўргандик, уларнинг натижаларини ҳам стоматологик ҳолатни яхшилаш, ҳам беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш нуқтаи назаридан баҳоладик.

Қандли диабет ва тиш қаторларининг нуқсонларига эга 60 нафар бемор кўриб чиқилди. Кўрик икки марта ўтказилди: даволашгача ва даволашдан сўнг. Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 30 нафар бемор 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморлар, 30 нафари эса фақат 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланмаган беморлар. 2-турдаги ҚД га эга гуруҳдаги беморлар даволашда “ЛОРОБЕН” даво воситасининг қўлланилишига боғлиқ равишда 2 гуруҳга бўлинди. Барча беморлар шунингдек 20 кун давомида кунига 3 маҳал 50 мг дан ўрта терапевтик дозада дипиридамол даво воситасини қабул қилишди.

Беморларнинг ҳаёт сифати навбатдаги мезонлар бўйича ҳаёт сифатига оғиз бўшлиғининг ҳолати таъсирини баҳолаш имконини берувчи 14 та саволни ўз ичига олувчи OhIP-14 сўровномаси ёрдамида аниқланди: кундалик ҳаёт, озиқ-овқатларни чайнаш, мулоқот қилиш қобилияти. “тез-тез” “ҳеч қачон” гача ўзгарувчи 5 жавоб варианты мавжуд бўлиб, мос равишда 5 дан 1 гача балларда баҳоланади. Беморларнинг ҳаёт сифати ўтказиладиган даволашгача аниқланди. Шунингдек даволашдан кейин ҳам OhIP-14 сўровномаси ёрдамида анкеталаш ўтказилди [7.9.11.12].

Даволашгача ўтказилган сўровномада биринчи ва иккинчи гуруҳ беморлари тил ва ОБШҚ соҳаларида оғриқ ва ачиш хисси, таъм сифатларининг ўзгариши, оғиз бўшлиғидан ёқимсиз ҳид, тиш қаторларида нуқсонлар мавжудлиги ва бу билан боғлиқ бўлган мулоқот қилиш ва овқат қабул қилишдаги қийинчиликларга шикоятлар келтиришди. Оғиз бўшлиғи текширилганида барча беморларда тиш қаторларининг нуқсонларидан ташқари яллиғланиш аломатлари, милк гуддачаларининг шиши, милкнинг гиперемияси, ифодали қон кетиш кузатилди.

Даволашгача беморлар тўлдирган анкета ва сўровномаларнинг дастлабки таҳлили ҳаёт сифатининг мулоқот қилиш қобилиятидан ташқари барча мезонлари бўйича анъанавий усул билан даволанаётган 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморларнинг ҳаёт сифати “ЛОРОБЕН” антисептик воситаси билан даволанаётган беморларникидан ишончли ёмонлигини кўрсатди (1 - жадвал).

#### 1 - жадвал

#### Беморлар ҳаёт сифатининг тиш қаторларининг нуқсонлари қопланишигача терапия методига боғлиқлиги

Беморлар гуруҳи	Мезон		
	Кундалик ҳаёт	Озиқ-овқатларни чайнаш	Мулоқот қилиш қобилияти
Анъанавий метод билан даволанаётган беморлар	14,5±1,9*	7,4±1,6*	9,8±1,9*
“ЛОРОБЕН” терпийасини олаётган беморлар	15,4±1,6*	8,7±1,4*	8,5±1,2*

Ўтказилган даволашдан сўнг аксарият беморлар шикоят қилишмади. Оғиз бўшлиғининг кўриги ўтказилганида гиперемия ва милклар шиши камайганлиги, қон кетишининг пасайиши, патологик милк чўнтақларининг йўқлиги кузатилди.

OhIP-14 сўровномасининг таҳлили ўтказилган ортопедик даволашдан сўнг 2-турдаги ҚД га эга беморларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшиланганлигини кўрсатди (2-жадвал ва 3 - жадвал).

## 2 - жадвал

**Олиб қўйиладиган ортопедик конструкциялар ёрдамида тиш қаторлари нуқсонларини қоплаб анъанавий даволашдан олдин ва кейин ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари**

Беморлар гуруҳи	Мезон		
	Кундалик ҳаёт	Озиқ-овқатларни чайнаш	Мулоқот қилиш қобилияти
Даволашгача Даволангандан кейин	14,5±1,9* 9,8±1,3*	7,5±1,7* 5,6±1,4*	9,9±1,6* 6,8±1,3*

## 3 - жадвал

**Олиб қўйиладиган ортопедик конструкциялар ёрдамида тиш қаторларининг нуқсонларини қоплашда “ЛОРОБЕН” препарати билан даволашдан олдин ва кейин ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари**

Беморлар гуруҳи	Мезон		
	Кундалик ҳаёт	Озиқ-овқатларни чайнаш	Мулоқот қилиш қобилияти
Даволашгача Даволангандан кейин	14,5±1,7* 6,8±0,5*	8,9±1,7* 4,5±0,4*	9,9±1,4* 4,7±0,6*

Шунингдек, тиш қаторларининг нуқсонлари олиб қўйиладиган ортопедик конструкциялар билан қопланган, даволанишгача “ЛОРОБЕН” воситасидан фойдаланган, 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморларда анъанавий даволанган 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморларга қараганда ҳаёт сифатининг барча мезонлари бўйича сезиларли даражада яхши кўрсаткичлар аниқланганлигини айтиб ўтиш лозим (4 -жадвал).

## 4 - жадвал


**Тиш қаторларининг нуқсонлари қопланганидан сўнг беморларнинг ҳаёт сифати терапия методига боғлиқлиги**

Беморлар гуруҳи	Мезон		
	Кундалик ҳаёт	Озиқ-овқатларни чайнаш	Мулоқот қилиш қобилияти
Анъанавий даволаш методларини қабул қилган беморлар	9,9±1,4*	5,7±1,9*	6,7±1,3*
“ЛОРОБЕН” билан терапия олган беморлар	6,7±0,5*	4,3±0,5*	4,6±0,2*

ОНП-14 индексидан фойдаланиб ҳаёт сифатини аниқлаш бўйича натижалар тадқиқоти соғлом шахслар гуруҳида ушбу индекснинг интеграл қийматини аниқлади. 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморларда ҳаёт сифатининг деярли икки марта ишончли пасайиши кузатилган, бунда бу боғлиқлик касалликнинг клиник сурати ифодаланганлиги билан бевосита боғлиқликка эга.

Стоматологик беморларда сўровномага кўра баҳоланадиган ҳаёт сифати даволашгача соғлом инсонларникидан ёмонроқ эди (1-расм).

Шундай қилиб, беморларда даволашгача жисмоний фаолият соғлом инсонларникидан 60% паст бўлди. Беморларда мос равишда: жисмоний ноқулайлик ва оғриқ 50% га кам, руҳий бузилиш эса 42,3% га кўп бўлди. Жисмоний саломатликнинг умумий ўзгаришлари соғлом инсонларда жисмоний саломатликдан 35,6% ни ташкил қилди.



**2 -расм. OhIP-14 сўровномасига мувофиқ беморларда стоматологик саломатлик кўрсаткичи**

Оғиз бўшлиғидаги инфекция касалликларини қўзғатувчилари, шартли-патоген микроорганизмлар ва замбуруғларга бактерицид таъсирга эга ЛОРОБЕН антисептигининг қўлланилиши ва унинг 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморларда протезлашдан олдин санация даврида қўлланилиши беморларнинг протезга мослашувига ижобий таъсир кўрсатди, бунинг натижасида беморларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада ишончли ўсди [2.4.6.8.10.11.12].

Шундай қилиб, 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган стоматологик беморларда тишларнинг қисман ва тўлиқ йўқотилишида ортопедик даволашдан сўнг даволашгача бўлган маълумотлар билан таққослаганда фаолиятнинг чекланиш кўрсаткичлари 50,3% га камайди, жисмоний ноқулайлик ва оғриқ 69% га пасайди, руҳий ноқулайлик кўрсаткичи 28,5% га камайди, жисмоний бузилишлар 33,6% га тушди, руҳий бузилишлар 51,3% га камайди, ижтимоий мослашолмаслик 56,0% га туши, зарар 59,4% га камайди. Шу билан, руҳий саломатлик 50,7% га яхшиланди, бу жисмоний саломатликнинг умумий натижаларини 43,3% га ва руҳий саломатликни 51% га ошишига олиб келди.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқот 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган умумий соматик касаллиги мавжудлигида оғиз бўшлиғининг тиш қаторларининг нуқсонлари ва пародонт касаллиги каби хасталиклари беморларнинг ҳам озик-овқат қабул қилиш ва мулоқот қилиш қобилияти, ҳам инсонларнинг умумий кайфиятида акс этган ҳолда, беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада тушириши ва нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо сифатида кўриб чиқилиши лозимлигини кўрсатди, шунинг учун уларни бартараф қилиш ва пайдо бўлишининг олдини олишга катта эътибор қаратилиши лозим. Шу билан бирга тадқиқотимиздан кўриниб турибдики, даволашнинг турли методлари беморларнинг ҳаёт сифатида турлича акс этмоқда: олиб қўйиладиган пластинкали тиш протезлари ёрдамида протезлаш ва анъанавий даволаш беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашига қарамадан, у “ЛОРОБЕН” антисептик воситасини қўллаб стоматологик ортопедик даволашдан қолишади, унда ҳаёт сифатининг мезони бундай кўрсаткичларнинг соғлом инсонлардаги қийматларига яқинлашади. Шунинг учун даволаш методини танлашда нафақат оғиз бўшлиғидаги клиник суратдан келиб чиқиш, балки кейинчалик ўтказиладиган даволаш муваффақиятига сезиларли даражада таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа кўплаб кўрсаткичларни ҳисобга олиш зарур.

Қисман ва тўлиқ тиш-жағ нуқсонларини ёндош пародонт патологияси ва 2-турдаги қандли диабетнинг умумий соматик касаллиги ҳамда буйракларнинг сурункали асоратланаётган касалликларида “ЛОРОБЕН” антисептик воситасидан фойдаланиб олиб қўйиладиган пластинкали протезлар билан ортопедик даволаш беморларга озик-овқатлар қабул қилиш ва инсонлар билан

мулоқот қилиш билан боғлиқ ноқулайликларни ҳис қилмасдан тўлақонли ҳаёт юритиш имконини берувчи тиш қаторлари нуқсонларини қоплашнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Мазкур босқичда 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланмаган ва асоратланган текширилган беморлар гуруҳида ҳаёт сифати сўровномасининг қўлланилиши терапия методини танлаш ва даволаш жараёнини назорат қилишни оптималлаштириш имконини берди, бу 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган ва асоратланмаган беморларни олиб қўйиладиган пластинкали тиш протезлари билан даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморлар гуруҳини анъанавий усулда даволашда OhIP-14 сўровномасининг таҳлили 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморларнинг ҳаёт сифати яхшилانганлигини кўрсатди, лекин натижа назорат гуруҳи билан таққослаганда ишончли паст бўлди.

### Хулоса

Сўровнома натижаларидан олинган маълумотлардан келиб чиқиб, оғиз бўшлиғида инфекция касалликларини қўзғатувчилари, шартли-патоген микроорганизмлар ва замбуруғларга бактерицид таъсирга эга “ЛОРОБЕН” антисептик воситасининг қўлланилиши ва 2-турдаги ҚДнинг СБХ билан асоратланган беморларда протезлашдан олдин санацияли даврда қўлланилиши беморларнинг пластинкали протезга мослашувига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди, бунинг оқибатида беморларнинг ҳаёт сифати ишончли даражада яхшиланди, бу руҳий саломатликнинг 50,7% га яхшиланиши билан аниқланди, бу жисмоний саломатликнинг умумий натижалари 43,3% га руҳий саломатлик 51% га ошишига олиб келди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Nusratov U.G. Orthopedic dental care for patients with type 2 diabetes, depending on impaired renal function // Asian Journal of Multidimensional Reserch. 2019; 8:130-132. IF = 6.053.
2. Xabilov N.L., Nusratov U.G. Featu dental care for patiens with type 2 type depending on disturbance of kidney function. // Asian Journal of Multidimensional Reserch. 2019; 8:18-24. IF = 6.053.
3. Нусратов У.Ғ. Сравнительный анализ оценки уровня качества жизни стоматологических пациентов с сахарным диабетом 2 типа // Тиббиётда янги кун. – Бухоро, 2020; 2(30):489-492. (14.00.00; № 22)
4. Nusratov U.G., Xabilov N.L. Type 2 diabetes depending on the presence of complications from the kidneys and periodontal disease before and after prosthetics with removable plate dental prostheses. // Uzbek medikal journal. - Тошкент, 2020; 3:33-36. (14.00.00)
5. Nusratov U.G. Assessment of changes in the quality of life of patients with type 2 diabetes in lamellar dental orthopedic prostheses // Uzbek medikal journal. –Тошкент, 2020; 3:37-42. (14.00.00)
6. Нусратов У.Ғ. Буйрак функцияси бузилишига қараб 2-тоифа диабетли беморларда олиб қўйиладиган тиш протезларининг қўлланилиш кўрсаткичлари // Тиббиётда янги кун. – Бухоро, 2021; 1:209-211. (14.00.00; № 22)
7. Umid Golibovich Nusratov. Alysis of oral health and quality of life of groups of patients with type 2 diabetes and chronic kidney disease // Palarch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology. 2020; 17(6):85-93.
8. Нусратов У.Ғ. The sertifikat is presented to science, research, development // Comparativ analysis of assessing the quality of life of dental patients wich type 2 diabetes. –Berlin, 2020; 26/8:323.
9. Нусратов Умид Ғолибович Ortopedic dental cfre for patients wich type 2 diabetes depending on impaired renal function took part in the - XLVIII International Scientific Conference “Recent issues of modern science”. -Ukraine. 2020;58.
10. Хабилов Н.Л., Нусратов У.Ғ. Особенности съемного протезирования у больных с сахарным диабетом 2-го типа в зависимости о нарушения функции почек // «Актуальные вопросы и новые технологии в стоматологии». Международная онлайн коференция. – Ташкент, 2020;21с.
11. Хабилов Н.Л. Нусратов У.Ғ. Особенности стоматологической заболеваемости у больных сахарным диабетом 2 типа осложненного хронической болезнью почек / Методические рекомендации. – Бухара. 2020;16с.
12. Хабилов Н.Л. Нусратов У.Ғ. Совершенствование метода оценки состояния полости рта у пациентов страдающих сахарным диабетом 2 типа / Методические рекомендации. – Ташкент, 2020;20с.

Қабул қилинган сана 20.12.2023